

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУНИ

Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги тахрир)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

Мазкур Қонуннинг мақсади аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган муносабатларини тартибга солиш ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат молиявий назорат ва хўжалик юритувчи субъектлар ички аудит соҳаларида юзага келадиган муносабатларга, шунингдек, аудиторлик фаолияти стандартларини қўлламастан амалга ошириладиган текширишларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

2-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун, аудитнинг халқаро стандартлари ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади).

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолиятини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади).

Ваколатли орган:

Ўз ваколатлари доирасида аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тасдиқлайди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш тартибини тасдиқлайди;

малака имтиҳонини ташкил этишини таъминловчи, шу жумладан, малака комиссияси учун ҳужжатларни тайёрлаш ва мазкур Қонун доирасида аудитор малака сертификатини расмийлаштирувчи ишчи органни белгилайди;

аудитор малака сертификатининг бланка шаклини тасдиқлайди, шунингдек, аудитор малака сертификатини беради, қайта расмийлаштиради, унинг амал қилиш муддатини узайтиради ва тугатади;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари иштирокида малака имтиҳонини ўтказди;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторларнинг малакасини оширишнинг ягона дастурини тасдиқлайди ва унга амал қилинаётганлиги мониторингини ўтказди;

аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар реестрини юритади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига жавобгар бўлган аудиторлик ташкилоти ҳодимлари рўйхатини шакиллантиради;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторлик ташкилотлари ишини ташқи сифат назоратини ўтказди;

аудиторлик ташкилотлари томонидан йилда бира марта тақдим этиладиган аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар асосида аудиторлик хизматлар бозори ҳолатини таҳлил қилади.

Ваколатли орган қуйидагиларни веб – сайтида жойлаштиради:

аудиторлик фаолиятининг стандартларини;

аудиторлик ташкилотлари реестрини ва аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик тармоқига ҳамда халқаро ассоциацияларга аъзолиги тўғрисидаги маълумотларни;

аудиторлар реестри тўғрисидаги маълумотларни;

тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати ва малака имтиҳонини топшириш, қайта расмийлаштириш ҳамда сертификат дубликатини олиш учун аризалар наъмунаси;

аудиторлар малакасини оширишнинг ягона дастури;

аудиторлик ташкилотлар ишини ташқи сифат назоратидан ўтказиш тартиби;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказадиган аудиторлик ташкилотлар ишини ташқи сифат назоратидан ўтказиш натижалари;

аудиторлик хизматлари бозори ривожланиши тўғрисидаги маълумотлар;
ушбу Қонунга мувофиқ бошқа маълумотлар.

Марказий банк ўзининг ваколатлари доирасида:

аудиторлик ташкилотларига банкларни текшириш ҳуқуқини берувчи сертификат, шунингдек аудиторларга банкларни текшириш ҳуқуқини берадиган малака сертификатини бериш тартибини белгилайди;

банкларни текшириш ҳуқуқини берадиган сертификатга эга аудиторлик ташкилотлари, банкларни текшириш ҳуқуқини берадиган малака сертификатига эга аудиторларнинг реестрини юритади ва уларни веб-сайтида жойлаштиради.

Марказий банк томонидан бериладиган, банкларни текшириш ҳуқуқини берувчи малака сертификатига эга камида икки нафар аудитор бор аудиторлик ташкилотларига банкларни текшириш ҳуқуқини берувчи сертификат муддатсиз даврга берилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аудиторлик фаолияти – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти;

аудиторлик ташкилоти – маълумотлари аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган ва махсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган, шунингдек, маълум бир аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аъзоси ҳисобланган, аудиторлик текшируви ва турдош хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ аудиторлик фаолиятини амалга оширувчи тижорат ташкилоти;

аудиторлик текшируви – хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотлар тўғрисида мустақил фикр билдириш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотларни текширишдир;

аудитор - маълумотлари аудиторлар реестрига киритилган ва махсус ваколатли давлат органининг веб-сайтида жойлаштирилган, аудитор малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс;

аудитор малака сертификати – аудиторнинг малакасини тасдиқловчи ва аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат;

банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқини берувчи аудитор малака сертификати – аудиторга банк фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи Марказий банк ҳужжати;

малака имтиҳони — аудитор малака сертификатни олиш ёки унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун талабгор билимларини малака комиссияси томонидан текшириш тартиби;

малака комиссияси – малака имтиҳонини ўтказиш ва аудитор малака сертификатини бериш ёки ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда унинг амал қилиш муддатини малака имтиҳонини топширмасдан узайтириш қарорини қабул қилиш мақсадида жамоатчилик асосида ташкил этилган комиссия;

аудиторларнинг профессионал ахлоқ кодекси – аудиторлар ва аудиторлик ташкилотлари амал қилиш мажбур бўлган ахлоқий қоидалар мажмуаси;

манфаатлар тўқнашуви – аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг манфаати молиявий ҳисобот ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборот тўғрисида фикр билдиришга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолат;

аудитнинг халқаро стандартлари – Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этиладиган аудит ва у билан боғлиқ бўлган сифат назорати, обзорли текширишлар, турдош хизматларни кўрсатиш халқаро стандартлари;

халқаро бухгалтер сертификати – “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)” ёки “Сертификатланган қасамёд қилган бухгалтер (ACCA)” ёхуд “Сертификатланган жамоат бухгалтери (CPA)”, белгиланган даврий малака оширишни тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлганда;

профессионал бухгалтерлар миллий сертификати – бухгалтерлар ва аудиторларнинг профессионал малакасини тасдиқловчи жамоат бирлашмалари томонидан бериладиган ҳужжат;

ижтимоий аҳамиятга эга ташкилотлар - фаолияти жамият манфаатларини келтириб чиқарадиган ва фуқаро ёки умумий жамият фаровонлигига таъсир кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар;

талабгор — малака сертификатини олишга ёки унинг амал қилиш муддатини узайтиришга давогор бўлган жисмоний шахс;

малака комиссиясининг ишчи органи – аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган маҳсус ваколатли давлат органнинг, малака комиссияси ишини ташкил этишни таъминлайдиган таркибий бўлинмаси (бундан буён матнда – ишчи орган);

аудиторлик ташкилотлари реестри – маҳсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотлари рўйхати;

аризаларни кўриб чиқиш учун йиғим – малака имтиҳонини ўтказиш ва аудиторларнинг малака сертификатини расмийлаштириш учун қилинадиган харажатларни қоплаш мақсадида маҳсус ваколатли давлат органнинг ғазна ҳисоб рақамига ўтказиладиган пул маблағлари;

банкларни аудиторлик текширувдан ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификат – аудиторлик ташкилотларига банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳуқуқини берувчи Марказий банк ҳужжати;

Ўқув марказлари – аудиторларнинг малакасини ошириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган, аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари қошидаги нодавлат таълим муассасалари.

5-модда. Аудиторлик фаолиятининг асосий принциплари

Аудиторлик фаолияти мустақиллик, холислик, ҳалолик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

6-модда. Мустақиллик принципи

Аудиторлар фаразларга асосланиб фикр билдиришдан ҳоли бўлиши ва обрўсини тушириши мумкин бўлган омилларга йўл қўймаслиги лозим.

Аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматларини кўрсатишдан воз кечиши керак.

7-модда. Холислик принципи

Аудиторлар холис бўлиши ва манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахслар томонидан босимлар сабабли ўз профессионал мулоҳазасини рискка қўймаслиги лозим.

8-модда. Ҳалолик принципи

Аудитор профессионал бурчига ва ахлоқий талабларга содиқ бўлиши, шунингдек, аудиторлик ташкилоти обрўсига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

9-модда. Профессионал лаёқатлилик принципи

Аудитор ушбу Қонун талабларига амал қилиши, аудиторлик ташкилоти таркибида сифатли аудиторлик хизматларини кўрсатиш учун етарли бўлган билим ва қўникмаларни ушлаб туриши лозим.

10-модда. Махфийлик принципи

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлари ва ишчилари аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёнида маълум бўлган маълумотларни аудиторлик хизмати кўрсатилган шахснинг ёзма розилигисиз ошкор этмаслиги лозим, коррупцияга қарши курашиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

11-модда. Аудиторлик фаолиятининг стандартлари ва Профессинал ахлоқ кодекси

Аудиторлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, Бухгалтерлар халқаро федерацияси томонидан чоп этилган, Ўзбекистон Республикасида расмий нашр қилишга Халқаро Аудиторлик Амалиёти Комитетидан рўхсати олинган, махсус ваколатли орган ва (ёки) аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари веб-сайтида жойлаштирилган аудит, сифат назорати, обзорли текширувлар ва турдош хизматлар билан боғлиқ халқаро стандартлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Аудиторларнинг профессионал ахлоқ кодекси аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан тасдиқланади. Аудиторлик ташкилотлари аудиторларнинг ахлоқий ҳатти-ҳаракатлари жамият манфатларига, умумий морал нормаларга, мустақиллик, ҳолислик, ҳалоллик, профессионал малакавийлик ва махфийлик принципларига мувофиқ келишини таъминлайди.

12-модда. Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларни бирлаштирадиган нодавлат ноижорат ташкилотидир.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторларнинг малака даражасини ривожлантириш ва уни ушлаб туришга, аудиторларнинг касбий манфаатларини ҳимояланишига кўмаклашишга йўналган.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ваколатли орган билан биргаликда аудитнинг халқаро стандартларини жорий этиш тартибини белгилаш;

малака имтиҳонларини ўтказишда, тест саволларини ва аудиторларнинг малакасини оширишнинг ягона дастурини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аудиторларнинг профессионал ахлоқ кодексини тасдиқлаш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

аудиторлик ташкилоти фаолиятини рэнкингдан ўтказишни ташкил этади ва ҳар йили 1 майга қадар рэнкинг натижаларини ўзининг веб – сайтида эълон қилиш;

ўзининг аъзолари реестрини юритади ва веб – сайтида жойлаштиш;

ўзининг аъзоларига нисбатан аудиторлик ташкилотлари ишини ташқи сифат назоратидан ўтказиш;

бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш;

аудиторларнинг малака ошириш тизими мониторингини таъминлаш ва аудиторларнинг ўқув марказларида малака оширганлиги тўғрисида йиллик маълумотни 10 январгача ваколатли органга тақдим этаиш.

13- модда. Аудиторлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди

Аудиторлик фаолиятига ноқонуний аралашишга ва ҳар қандай шаклда аудиторлик ташкилотига ҳамда унинг ходимларига таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди, ушбу Қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно

2-БОБ. АУДИТОР ВА АУДИТОРНИНГ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

14-модда. Аудитор

Аудитор, у билан аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фақат битта аудиторлик ташкилоти таркибида аудиторлик хизматларини кўрсатиши мумкин.

Аудитор ушбу Қонун талабларига риоя этиши мажбур.

Аудитор аудиторлик ташкилотлари номидан агар аудиторлик ташкилоти штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган бўлса аудиторлик хизматларини кўрсатади.

Аудитор фақат битта аудиторлик ташкилоти таркибида ишлаши мумкин ва фақат ўзи ишлаётган аудиторлик ташкилоти таъсисчиси (иштирокчиси) бўлиши мумкин.

Аудиторлар ушбу Қонун талабларига амал қилишга мажбурдир.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилиши муносабати билан аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилган аудиторлик ташкилотига раҳбарлик қилган аудитор ваколатли орган томонидан аудиторлик ташкилотини реестрдан чиқариш тўғрисидаги қарор чиқарилган санадан бошлаб беш йил мобайнида аудиторлик ташкилотига раҳбар бўла олмайди.

Қопланмаган ёки жиноий қонунчиликда белгилан тартибда олиб ташланмаган иктисодий жиноят учун судланган шахслар аудитор бўла олмайди.

Аудитор ёрдамчига эга бўлиши мумкин. Аудитор ёрдамчиси аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудитор топшириғига кўра тешкирувда қатнашадиган, аудиторлик хулосасида ҳамда аудиторлик текшируви билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган жисмоний шахсдир.

Аудитор ёрдамчисига нисбатан аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган маълумотларни ошкор этмаслик мажбурияти татбиқ этилади.

15-модда. Аудитор малакасининг оширилиши

Аудитор малака сертификатини олган йилнинг кейинги йилидан бошлаб ҳар календар йили давомида малака оширишнинг ягона дастури асосида ўқув марказларида қуйидаги соҳага тегишли долзарб мавзулар доирасида малака ошириш курсларидан ўтади:

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;

аудитнинг халқаро стандартлари;

солиқ ва солиққа тортиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш;

молиявий ва корпоратив бошқарув;

тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

16-модда. Аудитор малака сертификатининг амал қилиш муддати

Аудитор малака сертификати (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) имтиҳонни мувоффақиятли топшириш натижасида дастлаб беш йилл муддатга берилади, кейинчалик навбатдаги муддати ўн йилга ва ундан кейин муддатсиз даврга узайтирилади.

Сертификат дастлаб беш йиллик муддатга берилади ва халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ва ушбу Қонуннинг 19 ва 20 – моддаларида назарда тутилган талабларга риоя қилинганда талабгорларга малака имтиҳонини топширмасдан белгиланган даврийлик бўйича амал қилиш муддати узайтирилади.

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш аудиторда ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажини мавжуд бўлганда ва ушбу Қонуннинг 20 – моддасида назарда тутилган талабларга риоя қилинганда малака имтиҳонини топширмасдан амалга оширилади.

17-модда. Малака имтиҳони

Талабгорнинг билимларини текшириш малака имтиҳонининг тест синови усули орқали амалга оширилади.

Тест саволлари ваколатли орган томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда ишлаб чиқилади.

Тест синови қуйидаги бўлимлар бўйича саволлардан иборат бўлади:

молиявий ҳисоб;

бошқарув ҳисоби ва молиявий таҳлил;

аудит;

солиқ солиш ва тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.

Талабгорнинг тўғри жавоблар бўйича якуний натижаси 75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткични ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

Талабгорга малака имтиҳонини топшириш учун тўрт соат вақт тақдим этилади.

Малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин ҳар чорақда камида бир мартаба ўтказилади.

Малака имтиҳонини тўғрисидаги маълумот ваколатли органнинг веб-сайтида жойлаштирилади ва унда қуйидагилар акс эттирилади:

малака имтиҳони ўтказиладиган санаси ва жойи;

малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган, шунингдек аудитор халқаро бухгалтер сертификатига ёки ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажи мавжуд бўлган талабгорлар рўхати;

малака имтиҳони натижалари.

Талабгор паспортнинг аслини ёки шахсни тасдиқловичи бошқа ҳужжатларни тақдим этган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рухсат этилади.

Талабгор паспортнинг аслини ёки шахсни тасдиқловичи бошқа ҳужжатларни тақдим этмаса, ёки малака имтиҳонини топширишга кеч қолса малака имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади.

Малака имтиҳони ўтказилаётган пайтда қонун ҳужжатлари, йўриқнома материаллари, ахборотномалар ва махсус адабиётлардан, уяли телефондан (шу жумладан калькулятор сифатида) фойдаланиш, бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш тақиқланади. Ушбу талабларни бузган талабгорлар аудиториядан чиқариб юборилади ва малака имтиҳонидан ўтмаган деб ҳисобланади.

Малака имтиҳони якунларига кўра талабгор натижаси билан танишгандан сўнг натижалар жадвали бланкасига имзо чекади.

Агарда талабгор ўзининг жавоби натижаси бўйича жадвал бланкасига имзо чекмаса, натижалар жадвали бланкаси малака комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ва малака имтиҳони натижаси ҳисобга олинганлигини акс эттиради.

Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор, малака имтиҳонини топширган санадан камида уч ой ўтгандан сўнг малака имтиҳонида қатнашиш учун ушбу Қонунинг 20 – моддасида келтирилган ҳужжатларни қайта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Агарда талабгор ваколатли органга ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади. Бунда малака сертификатини олиш учун тўланган йиғим қайтариб берилмайди.

18-модда. Имтиҳон комиссияси

Малака имтиҳони ваколатли орган ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари иштирокида имтиҳон комиссия раисини ўз ичига олган тўрт кишидан кам бўлмаган таркибдаги имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

Имтиҳон комиссиясининг шахсий таркиби ваколатли орган раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссиясининг раиси ваколатли органининг вакили ҳисобланади.

Имтиҳон комиссияси ҳар бир малака имтиҳони учун алоҳида ташкил қилинади ва доимий фаолият кўрсатувчи ҳисобланмайди.

Ишчи орган қуйидагиларни малака имтиҳони бошланишидан олдин малака комиссиясига тақдим этади:

малака имтиҳонини топширишга рухсат этилган талабгорлар рўйхатини;

аудитор халқаро бухгалтер сертификатига ёки ўн йилдан кам бўлмаган узлуксиз аудитор иш стажини мавжуд бўлган талабгорларнинг тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича ишчи органнинг хулосасини.

Имтиҳон комиссиясининг қарорлари имтиҳон комиссияси раиси ва барча аъзолари томонидан имзоланадиган баённомалар билан расмийлаштирилади.

Сертификат бериш ёки унинг амал қилиш муддатини малака имтиҳонини топширмасдан узайтириш тўғрисидаги имтиҳон комиссиясининг баённомаси ишчи орган томонидан тақдим этилган талабгорнинг ушбу Қонуннинг 20-моддасида назарда тутилган белгиланган малака талабларига ҳужжатлар мавжуд бўлганда мувофиқ келиши тўғрисидаги хулосаси асосида амалга оширилади.

Имтиҳон комиссияси баённомалари малака имтиҳони ўтказилган санадан кейин камида беш йил ваколатли органда сақланади.

19-модда. Сертификат олиш учун талабгорга қўйиладиган малакавий талаблар

Сертификат олиш учун талабгор олий маълумотга, олий таълим муассасини битирганидан сўнг охириги ўн йил ичида камида уч йиллик аудит ва бухгалтерия ҳисоби соҳасида ёхуд шу соҳаларда олий таълим муассасаларида дарс бериш бўйича амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши лозим.

«бухгалтерия ҳисоби» ва «аудит» мутахассисликлари бўйича магистр дипломига талабгорларга аудиторлик ташкилотида бир йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига (шу жумладан, ўриндошлик асосида) эга бўлиши керак.

Талабгор фаннинг иқтисодий тармоқлари соҳасида илмий даражага эга бўлса амалий иш стажига талаб этилмайди.

Хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда қабул қилинади.

20-модда. Сертификат олиш ва унинг амал қилиш муддатини узайтириш учун зарур бўлган ҳужжатлар

Талабгор дастлабки беш йил муддатга сертификат олиш мақсадида малака имтиҳонида иштирок этиши учун ваколатли органига қуйидагиларни тақдим этади:

алоқа телефони, почта ва электрон адресни кўрсатган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш, шунингдек, агарда халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда сертификат олиш тўғрисида ариза;

паспорт нусхаси;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасида олинган олий маълумот ёки илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) гувоҳномасининг нусхаси;

халқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма) (ўриндошлик бўйича меҳнат стажига мавжуд бўлган тақдирда бу ҳақда меҳнат дафтарчасига ёзув киритилган бўлиши лозим);

малака сертификатини олиш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.

Аудитор, малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин, бироқ малака сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан олти ойдан кўп бўлмаган муддатда ваколатли органга малака сертификатининг муддатини узайтириш учун қуйидагиларни тақдим этади:

почта ва электрон адресни кўрсатган ҳолда малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида ариза;

малака сертификатининг асл нусхаси;

малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома (нусхаси олиниб, асли қайтарилади);

ҳалқаро бухгалтер сертификати мавжуд бўлганда (нусхаси олиниб, асли қайтарилади) ёхуд ушбу ҳужжатни берган муассаса томонидан тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нусхаси (меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма);

малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридagi йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхаси.

Ушбу модда назарда тутилмаган ҳужжатларни талабгордан талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар бевосита, почта алоқаси воситаси орқали ёки уларнинг олинганлиги тўғрисидаги маълумот билан электрон шаклда тақдим қилинади. Электрон шаклда тақдим қилинган ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

21-модда. Малака имтиҳонида иштирок этиш учун аризани кўриб чиқиш

Ваколатли орган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида талабгорни малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор ишчи органнинг талабгорнинг тақдим этган ҳужжатлари ушбу Қонуннинг 19 ва 20 – моддаларига мувофиқ ёки мувофиқ келмаслиги асосида қабул қилади.

Талабгорларнинг сертификат бериш ёки унинг амал қилиш муддатини малака имтиҳони топширмасдан амалга ошириш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган тартибда амалга оширилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат этилган, шунингдек бухгалтер ҳалқаро сертификатига эга бўлган ёки узлуксиз аудитор иш стажи ўн йилдан кам бўлмаган талабгорлар рўйхати ваколатли органнинг буйруғи билан тасдиқланади ва унинг веб-сайтига жойлаштирилади.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат берилган талабгорлар уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида малака имтиҳони ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин почта ёки электрон алоқа воситалари орқали хабардор қилинади.

Бухгалтер халқаро сертификатига эга бўлган ёки узлуксиз аудитор иш стажини ўн йилдан кам бўлмаган талабгорларга ишчи орган томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабарнома жўнатилади.

22-модда. Малака имтиҳонини топширишни рад этиш

Талабгорнинг малака имтиҳонини топшириши рад этилган тақдирда ваколатли орган томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгорга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида уч иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилинади.

Талабгорга малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этиш учун асос қуйидагилар ҳисобланади:

мазкур Қонуннинг 18 – модда талабларига жавоб бермаганда;

мазкур Қоуннинг 19- моддасида келтирилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳолда тақдим этганда;

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун судланганлик маъмурий қонунчиликда белгиланган тартибда қопланмаган ёки олиб ташланмаган бўлганда.

Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилган талабгорга камчиликлар бартараф этилгандан сўнг қайта мурожаат қилиши мумкин. Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш рад этилишига асос бўлган камчиликларни бартараф этиш учун даъвогарга 10 иш кундан кўп бўлмаган муддат берилади.

Ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш уч иш куни ичида амалга оширилади. Талабгорнинг аризасини қайтадан кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

Агарда талабгор малака имтиҳонини топширишга рухсат беришни рад этилишига асос бўлган камчиликларни ўн иш кун мобайнида бартараф этолмаса, талабгорнинг аризаси янги тақдим этилган ҳисобланади.

Сертификатни бериш ёки унинг амал қили муддатини малака имтиҳонини топширмасдан узайтириш ушбу модданинг учинчи-бешинчи қисмларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

23-модда. Сертификатни расмийлаштириш ва бериш

Сертификат махсус тайёрланган бланкада расмийлаштирилади. Сертификат бланкаси қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланиб, унда ҳисоб серияси, номери ва ҳимояланганлик даражаси акс эттирилиши лозим. Бланка шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади ва веб – сайтида жойлаштирилади.

Сертификат ваколатли органнинг малака имтиҳони комиссияси баённомалари олингандан кейин ўн кун муддатда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга бўлади. .

Сертификат аудиторга ёки ишончнома асосида унинг вакилига аудиторлар реестрига имзо қўйилгач берилади.

Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштирилган кунидан бошлаб уч ой давомида уни олишга келмаса сертификатининг амал қилиши тугатилган ҳисобланади. Бунда талабгор томонидан тўланган йиғим қайтарилмайди.

Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш сертификат бланкасига дастлабки даврга ва навбатдаги узайтирилган даврга акс эттирилиб ваколатли шахс томонидан имзо қўйилади ҳамда ваколатли орган муҳри билан тасдиқланади.

24-модда. Сертификатни қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш

Аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи ўзгарган тақдирда, у тегишли ўзгартиришларни тасдиқловчи ҳужжатлар берилган санадан сўнг бир ой ичида ваколатли органга малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади.

Сертификатнинг қайта расмийлаштирилиши аудитор томонидан Сертификатнинг асли илова қилинган ҳолда ариза берилган пайтдан бошлаб беш иш кун ичида мобайнида амалга оширилади. Қайта расмийлаштириш пайтида аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган Сертификатнинг янги бланкаси берилади, илгари берилган Сертификт бланкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган Сертификатнинг ўрнига аудиторнинг аризасига кўра Сертификатнинг дубликати берилади. Аудитор Сертификатнинг йўқолганлиги тўғрисида эълон бериши ва берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этади. Сертификатнинг дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланкада «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлади.

Яроқсиз ҳолга келган Сертификатини ваколатли органга қайтарилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилиниши лозим.

Сертификатни қайта расмийлаштириш ёки унинг дубликатни бериш бўйича аризани кўриб чиқиш учун энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

25-модда. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади:

Сертификтнинг амал қилишини тугатиш бўйича аудиторнинг аризаси;
аудиторлик фаолиятида уч йил давомида иштирок этмаслик;

Сертификат расмийлаштирилган санадан бошлаб уч ой мобайнида аудитор
Сертификатни олиш учун келмаганда;

махсус ваколатли давлат органининг Сертификат бериш тўғрисидаги қарори
ноқонуний деб топилганда;

иктисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун суд томонидан жиноий
жавобгарликка тортилганда;

суднинг муайян лавозимларни эгаллаш ёки молия-хўжалик муносабатлари
соҳасида муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш
тариқасидаги жазони назарда тутувчи ҳукмининг қонуний кучга кирганлиги;

фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати
чекланган деб топиш тўғрисидаги суд қарори;

аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда ушбу Қонун талабларини
мунтазам (икки мартадан кўп) ёки бир марта кўпол равишда бузганлик.

Аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда қуйидаги ҳолатлар қонун
ҳужжатлари талабларини бир марта кўпол равишда бузиш деб топилади:

Сертификатнинг амал қилишини тугатишга асос бўладиган қуйидаги ҳолатлар
ушбу Қонун талабларини бир марта кўпол равишда бузиш деб топилади:

сохта ҳужжатларни тақдим этиб Сертификат олинганлиги аниқланганда;

аудиторлик фаолияти амалга оширишда мустақилликни таъминламаслиги;

қасдан сохта аудиторлик хулосаси тузиш;

аудиторлик текшируви жараёнида олинган махфий ахборотни аудиторлик
текширувининг буюртмачиси рұхсатсиз ошқор қилиш, қонун ҳужжатларида
назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текшируви ўтказишда аниқланган, хўжалик юритувчи
субъектнинг бухгалтерия ҳисоби юритиш, шунингдек молиявий ҳисоботни тузиш
бўйича белгилаб қўйилган талабларни бузиш фактларининг аудитор томонидан
яширилганлиги;

Сертификатни бошқа шахсга топширилган бўлиб, мазкур шахс ушбу
ҳужжатни аудиторлик фаолиятида иштирок этиш учун ўз номидан фойдаланиш
мақсадида ишлатганлик фактининг аниқланганлиги;

аудиторнинг назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари
томонидан ўтказиладиган текширишларда аудиторлик ташкилоти ва ушбу
органлар ўртасида шартнома тузмасдан мутахассис сифатида иштирок этиши;

аудитор бир вақтнинг ўзида биттадан кўп аудиторлик ташкилотида муассис
(иштирокчи) бўлиши фактининг аниқланиши;

аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига амал қилмаслик;

ҳар йилги малака оширишдан ўтмаслик;

Сертификатни ўз вақтида қайта расмийлаштирилмаслик.

Сертификатнинг амал қилиши уни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тугатилади. Ушбу модданинг тўртинчи қисми ҳат бошида келтирилган талаблар асосида қоидабузарликларга йўл қўйган аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторинг Сертификати амал қилинишининг тугаши аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилоти реестридан чиқариб ташланган санадан эътиборан тугатилади.

Ваколатли органнинг Сертификатни амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисм олтинчи-тўққизинчи ҳатбошида келтирилган талаблар бузганлик учун Сертификат амал қилиши тугатилганда аудиторлар, сертификатни амал қилиши тугатилган санадан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори беш кунлик муддатда аудиторга ва ушбу аудитор хизмат кўрсатаётган аудиторлик ташкилотига юборилади.

Сертификатинининг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида, шунингдек ваколатли орган веб – сайтида эълон қилинади.

Аудитор Сертификат амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ўз Сертификатини ваколатли органга белгиланган тартибда йўқ қилиш учун қайтариши шарт.

3- БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

26-модда. Аудиторлик ташкилоти

Аудиторлик ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумоти аудиторлик ташкилоти реестрига киритилган кундан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, аудиторлик фаолияти стандартлари, ҳамда ушбу Қонунга амал қилади.

Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Аудиторлик ташкилотлари вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар.

Аудиторлик ташкилотлари акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларда назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қуйидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлади;

устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилади;

аудиторлар (аудиторга) устав капиталидаги улуши мазкур аудиторлик ташкилотда асосий иш жойи бўлганда уларнинг устав капиталидаги улуши юз фоиз бўлиши керак (аудиторлик ташкилоти - чет эл аудиторлик ташкилотининг филиали ёки шўъба хўжалик жамиятлари тузилган ҳоллар бундан мустасно);

аудиторлик ташкилотига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи бўлган аудитор раҳбар бўлиши керак;

бошқа аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлмайди.

Ушбу модданинг олтинчи қисми талабларига тўғри келмаган номувофиқлик тўғрисида аудиторлик ташкилоти беш кун муддатда ваколатли органга ёзма ёки электрон тарзида хабардор қилиш ва уч ойдан кўп бўлмаган муддатда номувофиқликни бартараф қилиши ёки ўз фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Ушбу модданинг олтинчи қисми талабларидаги номувофиқликларни бартараф этмагунча аудиторлик текширувини ўтказиш тақиқланади.

Аудиторлик ташкилотининг филиалини тузишда филиал раҳбари аудитор бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотининг фирма номида “аудиторлик ташкилоти” сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа аудиторлик ташкилотларининг фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар билан кўрсатилмаслиги керак.

Тижорат ташкилоти, агар у ҳақдаги ахборот Тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган санадан бошлаб уч ой давомида аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилмаган бўлса, ўз номида "аудиторлик ташкилоти" сўзларидан фойдаланишга ҳақли эмас;

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилганда, фирма номида "аудиторлик ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Аудиторлик ташкилотини тузиш тартиби ва "аудиторлик ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишда ушбу Қонунда ўрнатилган талабларни бузган айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

27-модда. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқлари

Аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботлар билан олдиндан танишиб чиқиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш, ҳамда ахборотлар тизими ва технологияларини қўллаш;

аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг бошқарув вазифаси ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширадиган шахс ва бошқа моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга экспертларни белгиланган тартибда жалб этиш;

аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга турдош хизматлар кўрсатиш, бунда бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, миллий молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш, хўжалик юритувчи субъект тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш мутасно;

Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

28-модда. Аудиторлик ташкилотининг мажбуриятлари

Аудиторлик ташкилоти мумкин:

ушбу Қонун талабларига риоя этиш;

жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

устав капиталини ушбу Қонуннинг 25-моддаси олтинчи қисмида назарда тутилган мажбурий шартларга тўлиқ амал қилган ҳолда шакллантириш;

аудиторлик ташкилоти асосий иш жойи ҳисобланган аудиторларнинг энг кам сони камида тўрт нафар штатдаги аудитордан иборат бўлишини ва аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

аудиторлик ташкилоти жавобгарлигининг суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

аудиторлик хизматини кўрсатишда мустақилликни таъминлаш ва аудиторлик текшируви ўтказишда чекловга амал қилиш;

аудиторлик хизматини кўрсатишда олинган ахборотнинг махфийлиги ва аудиторларнинг профессионал ахлоқ Кодексига риоя этишини таъминлаш;

бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолатлари тўғрисида ёки коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликларни тасдиқловчи фактлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ва корпоратив бошқарув тизимидаги жавобгар шахсга ёзма шаклда хабардор қилиш.

аудиторлик хизмати буюртмачиси талабига биноан Сертификатини (аудитор) кўрсатиш;

хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудитнинг халқаро стандартлари талаблари, аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатлари нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируви натижаларини расмийлаштириш ва аудиторлик хулосалари нусхаларини аудиторлик ташкилотида камида беш йил сақланишини таъминлаши;

Мажбурий аудиторлик текширувлари тўғрисидаги ахборот, идентификация маълумотларини ва аудиторлик хулосасини кўрсатган ҳолда аудиторлик ташкилотлари ўзларининг веб-сайтларида ёки аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг веб-сайтларида жойлаштириш;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларидан бирига аъзо бўлиш;

аудиторлик ташкилотларини рэнкинг учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши;

аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат мазкур аудиторлик ташкилоти ёки филиали асосий иш жойи бўлган аудиторни тайинлаш;

Аудиторларнинг иши сифатининг ички назорат тизимини ўрнатиш ва амал қилиш;

аудиторлик ташкилоти энг камида уч йилда бир марта аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтиш ва уни ўтказишга тўсқинлик қилмаслик;

аудиторлик ташкилоти раҳбари алмашганлиги ва (ёки) аудиторлар таркиби ўзгарганлиги тўғрисида, ўз почта манзили ва электрон манзили ўзгаргани тўғрисида ваколатли органни беш кун муддатда почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда хабардор қилиш;

йил якуни бўйича аудиторлик фаолияти маълумотларини ишончилиги ва уларни 20 январгача ваколатли органга почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда тақдим этишни таъминлаш;

Аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажариш

Аудиторлик ташкилоти зиммасида ушбу Қонун ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

29-модда. Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар жавобгарлиги

Ушбу Қонун ҳамда, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун аудиторлик ташкилоти раҳбари ва айбдор аудиторлар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолатда шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

4- БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ХИЗМАТЛАРИ

30-модда. Аудиторлик хизматлари

Аудиторлик хизматлари аудиторлик текшируви ва турдош хизматларни ўз ичига олади.

Аудиторлик хизматлари аудиторлик ташкилоти ва аудиторлик хизматлари буюртмачиси ўртасида тузилган шартнома асосида кўрсатилади. Аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги суғурта полиси мавжуд бўлганда тузилади.

Аудиторлик ташкилоти тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Давлат бошқарув органи томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ман қилинади.

Аудиторлик ташкилотлари реестрида маълумотлари киритилмаган ташкилотлар, аудиторлик текширувини ўтказиши лицензиясиз фаолият юритишга тенглаштирилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тотилади.

31-модда. Аудиторлик ташкилоти турдош хизматлари

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билан боғлиқ қуйидаги турдош хизматларни кўрсатиши мумкин:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш;

молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузиш,

юримдик шахс тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш;

солиқ қонунчилигини қўллаш ва ҳисоблар ва декларация тузиш масалалари юзасидан маслаҳат бериш;

молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, иқтисодий, молиявий ва бошқарув маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш, солиқ солиш, аудиторлик хизматлари кўрсатиш, молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш бўйича семинарлар, конференциялар ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузишни автоматлаштириш, молиявий маълумотларнинг ахборот ва киберхавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

аудиторлик хизматлари кўрсатиш, молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича услубий материаллар ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

аудиторлик фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини тарқатиш.

5- БОБ. АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ

32-модда. Аудиторлик текшируви

Аудиторлик текшируви ҳисобот даври молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини аниқлаш учун молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишончлилиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳолис фикрини билдириш мақсадида ўтказилади.

Ишончлилик деганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва молия-хўжалик фаолияти натижалари ҳақида ҳолис фикирга эга бўлиш имконини берадиган молиявий ҳисоботдаги маълумотларнинг аниқлик даражаси тушунилади.

Аудиторлик текшируви ушбу Қонуннинг 32- моддасида назарда тутилган чекловларга амал қилган ҳолда, мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади.

Банкларни аудиторлик текшируви Марказий банкнинг банкларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификати мавжуд бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказилади.

Давлат сири, маълумоти бўлган молиявий ҳисобот аудиторлик текшируви қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Текширишни амалга ошириш тартиби ушбу Қонун талабларидан фарқ қилса, аудиторлик текшируви амалга оширилмайди.

33-модда. Аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловлар

Қуйидаги ҳолларда аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текшируви ўтказиш тақиқланади:

мазкур аудиторлик ташкилотининг кредиторлари, суғурталовчилари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, шунингдек ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан таъсисчилар, иштирокчилар, акциядорлар бўлган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан;

таъсисчилари, иштирокчилари, акциядори шунингдек раҳбарлик функциясини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга ошираётган шахс айна бир пайтнинг ўзида ушбу аудиторлик ташкилотининг ходими бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан;

мазкур хўжалик юритувчи субъектга аудиторлик текшируви қамраб оладиган даврда ушбу Қонун 30-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган турдош хизматлар кўрсатганда;

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг таъсисчилари, иштирокчилари ёки раҳбарлик функциясини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга ошираётган шахслар билан яқин қариндош бўлган ишчиларига;

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига ёки бундай тўқнашув юзага келишига хавф туғдирадиган ҳолатлар;

Аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.

34-модда. Мажбурий аудиторлик текшируви

Қуйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташкилотлар;

ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари: активларнинг баланс қиймати энг кам иш ҳақининг 100 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушум энг кам иш ҳақининг 200 минг баробар миқдоридан ортиқ бўлса, ходимларнинг ўртача йиллик сони 100 кишидан ортиқ бўлса;

Активларнинг баланс қиймати, тушуми ва ходимлар сонидан қатъий назар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташкилотлар:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;

манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари бўлмиш хайрия, ижтимоий ва бошқа фондлар;

устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари;

фонд ва товар биржалари;

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташкилотларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари реестрида киритилган ва

қуйидаги талабларга жавоб берадиган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтқишга рухсат берилади:

аудиторлик текшируви ўтқиш тажрибаси уч йилдан кам бўлмаган;

халқаро бухгалтер сертификати ёки камида икки нафар кишида миллий профессионал бухгалтер сертификати мавжуд аудиторга эга бўлган;

камида бир нафар ходими солиқ маслаҳатчиси малака сертификатига эга бўлган;

аудиторлик текшируви ўтқиш буйича тузилган шартномада охири уч йилда аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати ташқи назорати натижаларига мувофиқ аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузмаган.

Банкларни аудиторлик текширувидан ўтқиш ушбу модданинг учунчи қисмида кўрсатилган шартларга риоя қилган ҳолда Марказий банкнинг банкларда аудиторлик текширувини ўтқиш ҳуқуқини берувчи сертификати мавжуд бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтқизилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар аудитор хулосаси нусхасини, мажбурий аудиторлик текшируви ўтгандан сўнг ўн беш кун мобайнида, лекин кейинги ҳисобот йилининг ўн бешинчи июнидан кечиктирмасдан, солиқ органларига тақдим этадилар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтқизиладиган мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортиш хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо қўлланилишига сабаб бўлади. Хўжалик юритувчи субъектга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин календарь йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтмаслик хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади. Жариманинг тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди.

35-модда. Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувининг буюртмачиси хўжалик юритувчи субъект, унинг мулкдори, шунингдек устав капиталида ўн фоиздан кам бўлмаган миқдордаги улушга эга катнашчилар ва акциядорлар, назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардир.

Аудиторлик текшируви назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ташаббусига кўра аудиторлик ташкилоти ва ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосида ўтқизилади ҳамда унга мазкур шартнома асосида ҳақ тўланади. Ушбу талаблар асосида айнан бир аудиторлик ташкилоти айнан ўша хўжалик юритувчи субъект текширувида қайта жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини ўтказишга ташаббус кўрсатган шахс ҳисобидан амалга оширилади.

36-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текшируви ўтказилаётгандаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилотидан куйидагиларни олиш ҳуқуқига эгадир:

аудиторлик хулосаси;

Аудиторлик хулосасида баён этилган фикр буйича тушунтириш ва аудиторлик ташкилоти фикрига асос бўладиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида маълумот;

Бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, молиявий ҳисобот тузиш, ва аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф қилиш буйича маслаҳат.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъект мажбуриятлари:

аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторга керакли шароитларни яратиб бериши, унга зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

аудитнинг халқаро стандартларига ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномадан келиб чиқадиган бошқа мажбуриятларга амалга қилиш;

аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликлар ва улар ҳақидаги ёзма шаклдаги маълумот натижаларини олган кундан эътиборан ўттиз кундан кечикмаган муддатда кўриб чиқиш.

Аудиторлик текшируви жараёнида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш ва солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш тартибига доир қоидабузарликларни бартараф қилиш.

Хўжалик юритувчи субъект ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилаётган аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш ёки унга халақит бериш мақсадларида у ёки бу ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилоти билан аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида тузилган шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва зиммасида бошқа мажбуриятлар бўлиши мумкин.

37-модда. Аудиторлик хулосаси

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган ҳужжат.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган, аудиторлик ташкилоти муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ва аудиторлик ташкилотининг фикри ифода этилган молиявий ҳисобот илова қилиниши керак. Аудиторлик хулосасининг барча бетлари, жумладан иловадаги молиявий ҳисобот ягона ҳужжат ҳисобланади.

Аудиторлик хулосасининг шакли ва мазмуни аудитнинг халқаро стандартлари билан белгиланади

38-модда. Қасддан сохта тузилган аудиторлик хулосаси

Аудиторлик текширувини ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилсада, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилган ҳисобланади.

Қасддан сохта тузилган аудиторлик хулосаси суд қарорига асосан тан олинади.

Қасддан сохта тузилган аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилотининг аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқишига, аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторлик текширувида қатнашган аудиторларнинг Сертификатини амал қилиши тўхтатилишига, ҳамда айбдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортилишига олиб келади.

6- БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЕСТРИГА КИРИШ ВА АУДИТОРЛАР РЕЕСТРИ

39-модда. Аудиторлик ташкилотлари реестри

Ваколатли органи аудиторлик ташкилотлари реестрини электрон шаклида юритада. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

- аудиторлик ташкилотининг номи ва унинг жойлашган ўрни (почта манзили);
- телефон рақами;
- электрон манзили (веб-сайт)
- солиқ тўловчининг идентификация рақами;

ташкilot раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми ва аудитор малака сертификатининг рақами, санаси ҳамда ташкilotда ишлайдиган аудиторлар малака сертификатларининг рақами ва санаси:

аудиторлик ташкilotининг реестрга кўшилган санаси;

аудиторлик ташкilotини реестрдан чиқаришда асос ва санаси.

Реестрда киритилган маълумотлар танишиш учун очиқ ҳисобланади.

40-модда. Аудиторлик ташкilotлари реестрига кириш

Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтган аудиторлик ташкilotи

аудиторлик ташкilotлари реестрига маълумотларини киритиш учун ваколатли органга қуйидагиларни тақдим этади:

аудиторлик ташкilotининг номи, почта ва электрон манзили, веб-сайти (мавжуд бўлганда), телефон рақами, ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

асосий иш жойи тамонидан тасдиқланган энг кам сони камида 4 нафар штатдаги аудитордан иборат бўлган аудиторнинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусҳасини ва меҳнат дафтарчасини (нусҳа олиб, асли қайтарилади).

Мазкур ҳужжатлар бир нусҳада тақдим этилади. Ушбу моддада назарда кўрсатилмаган ҳужжатларни аудиторлик ташкilotи томонидан талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

Аудиторлик ташкilotи ҳужжатларини кўриб чиқиш ва аудиторлик ташкilotлари реестрига маълумотларини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза ва зарур ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш календарь кунни ташкил этади.

Аудиторлик ташкilotи аризасини кўриб чиқилганлиги учун энг кам иш ҳақининг бир баравари (ариза тақдим этилган кунидаги) миқдоридagi йиғим ваколатли органнинг махсус ҳисоб рақамига тўланади. Аудиторлик ташкilotи берган аризасини қайтариб олган ҳолда йиғим қайтариб берилмайди

Ваколатли орган аудиторлик ташкilotини маълумотларини аудиторлик ташкilotлари реестрига киритишдан қуйидаги ҳолларда рад этади:

аудиторлик ташкilotи ишончсиз маълумотлар тақдим этганда;

ушбу Қонуннинг 25-моддаси талабларига мувофиқ келмаса.

41-модда. Аудиторлик ташкilotлари реестридан чиқиш

Аудиторлик ташкilotлари қуйидаги ҳолларда аудиторлик ташкilotлари реестридан чиқарилади:

аудиторлик ташкилоти фаолиятини тугатиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

аудиторлик ташкилоти тугатилганда;

кайта ташкил этилиши натижасида аудиторлик ташкилотининг фаолияти тугатилганда, бундан унинг ўзгартирилиши;

ушбу Қонуннинг 27- моддасини мунтазам равишда (икки мартадан ортиқ) ёки аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати натижасида аниқланган бир мартаба қўпол равишда бузганда;

Аудиторлик ташкилоти бир мартаба қўпол равишда бузганда аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқишига қуйидаги ҳолларда асос бўлади;

фаолиятнинг аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа турларини амалга ошириш;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик;

ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хулосаси тузиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган махфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик ташкилотининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик;

аудиторлик текшируви жараёнида ушбу Қонуннинг 32 моддасида кўрсатилган чекловларга амал қилмаслик;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда аудиторлик ташкилоти масъулиятини суғурта қилиш полисининг мавжуд эмаслиги;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси аъзолиги тўғрисида маълумотнинг мавжуд бўлмаси;

аудитнинг халқаро стандартлари, сифат назорати, обзорли текшириш, турдош хизматлар кўрсатиш буйича топшириқлар ва аудиторлар профессионал этика Кодексига риоя қилмаслик;

аудиторлар иши сифатининг ички назоратини таъминламаслик;

аудиторлик ташкилоти иши сифатини ташқи назоратидан, ҳамда рэнкинг ўтказишда иштирок этишдан бош тортиш.

Ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи-саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқарилиши суд қарорига, бошқа ҳолларда эса ваколатли орган қарорига биноан амалга оширилади.

Аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилиши тўғрисидаги ваколатли орган қарори аудиторлик ташкилотига почта алоқаси

воситалари орқали ёки электрон шаклда, қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай етказилади.

Аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилиши тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситалари ҳамда ваколатли оргна веб-сайтида эълон қилинади

Аудиторлик ташкилотини аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган санадан аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

Аудиторлик ташкилотини ушубу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган асосида аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилса, аудиторлик ташкилоти аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилганлик тўғрисида қарор қабул қилинган кундан уч йил давомида аудиторлик ташкилотлари реестрига қайта қўшилмайди.

42- модда. Аудиторлар реестри

Ваколатли орган аудиторлар реестрини юритади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

сертификатини олиш санаси, олган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси;

Жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақами (ЖШ ШИР);
иш жойи;

Сертификатнинг рақами, берилган санаси;

ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот;
халқаро бухгалтер сертификатининг номи ва берилган санаси;

ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот;

Ваколатли органнинг веб-сайтида аудиторлар реестридан танишиш учун очик бўлган маълумотлар жойлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

Сертификатнинг рақами, берилган санаси;

Сертификатнинг амал қилиш муддати;

аудиторларнинг малакасини оширганлиги тўғрисидаги маълумот (йил якуни бўйича);

Сертификатнинг амал қилишини тугатиш ва дубликатини бериш тўғрисидаги маълумотлар.

7- БОБ. ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИФАТ НАЗОРАТИ

43-модда. Аудиторлик ташкилотлар ички сифат назорати

Ички сифат назорати аудиторлик ташкилотининг аудиторлари ва ходимларини ушбу Қонун талабларига амал қилишини таъминловчи, аниқ процедураларга асосланган ташкилий чора – тадбирлар тизимини ўзида акс эттиради.

Аудиторлар ишининг ички сифат назорати аудиторлик ташкилоти томонидан мустақил амалга оширилади ва аудиторлик хизматини кўрсатишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

44-модда. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг ташқи назорати

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорати текширувни ўтказиш орқали ушбу Қонун талаблари бузулишини аниқлаш ва кейинчалик олдини олишга йўналтирилган.

Ваколатли орган аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказишни амалга оширади.

Ваколатли органнинг мажбурий аудиторлик текширувини ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратини амалга ошириш ва натижаларини расмийлаштиришга бўлган муносабати “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида тартибга солинади.

Аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари ўз аъзоларига нисбатан аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказадилар.

Аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтишидан бош тортиш, шунингдек зарур ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим қилмаслик аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилишига асос бўлади.

Ташқи сифат назорати натижасида аниқланган қоидабузрлик бўйича ваколатли орган аудиторлик ташкилотига нисбатан қуйидаги чораларни қўллайди:

аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбурияти ва бартараф этиш учун белгиланган вақт ҳақида аудиторлик ташкилотини хабардор қилиш;

ушбу Қонуннинг 40-моддаси иккинчи қисми, иккинчи –саккизинчи хатбошида назарда тутилган талабларга асосан суд органларига мурожаат қилиш;

ушбу Қонуннинг 27-моддаси талабларини мунтазам (икки мартадан кўп) бузилганда, ҳамда ушбу Қонуннинг 40 моддаси, иккинчи қисм, тўққизинчи ва ўн иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда аудиторлик ташкилотларини аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

Аудиторлик ташкилоти ваколатли орган томонидан қоидабузарликларни бартараф этиш учун белгиланган муддат тугаганидан сўнг, уч иш кунида ваколатли органни аниқланган қоидабузарликларни бартараф этганлиги тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилиши лозим.

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказадиган аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш услубиёти ва дастури, ҳамда мунтазам қоидабузарликлар классификатори рўйхати аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари, Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Савдо- саноат палатаси билан келишилган ҳолда ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

45- модда. Ташқи сифат назоратининг асосий принциплари

Ташқи сифати назоратининг асосий принциплари қуйидагилар:

қонунийлик;

аудиторлик ташкилотлари иштироки мажбурийлиги;

ташқи сифат назоратни амалга оширишда шаффофлик;

Ташқи сифат назоратини ўтказишда аудиторлик ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

46- модда. Ташқи сифат назоратини ўтказиш муддати ва асоси

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш риск-таҳлил ва ушбу Қонун талабларини аудиторлик ташкилоти томонидан бузилиши rischi даражасин баҳолаш натижалари якуни бўйича амалга оширилади (бундан буён матнда риск даражаси деб юритилади).

Ваколатли орган ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари мавжуд маълумотлар асосида, шунингдек аудиторлик ташкилотларининг иш обрўси ҳолати тўғрисида Интернет тармоғидан олинган ахборотлар асосида қуйидаги ҳолларда риск таҳлил амалга оширилади:

ушбу Қонуннинг 28-моддасида келтирилган талабларга риоя қилиниши;

аудиторлик ташкилоти номи ёки жойлашган жойи (почта адреси) ўзгарганда;

аудиторлик ташкилотининг қайта ташкил этилиши;

мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш натижалари бўйича берилган ижобий фикр билдирилган аудиторлик хулосалар сонининг жами берилган хулосалар сонига нисбати;

меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича штатда турадиган аудиторларнинг нисбати ва йил давомида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текширувлар сони;

мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони;

аудиторлик ташкилотларида тенг аҳамиятга эга аудиторлик хизматларининг нархи таққосланиши;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлиги тўғрисида мурожаатлари (шикоятлари) мавжуд бўлганда;

аудиторлик ташкилоти таъсисчилари (иштирокчилари) таркибида Ўзбекистон Республикаси норезиденти ҳисобланган жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида рўйхатдан ўтган юридик шахс ҳамда олдин фаолияти тугатилган аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари (иштирокчилари) бўлган шахслар мавжуд бўлса;

олдинги аудиторлик ташкилоти иши сифатинг ташқи назорати яқунлари бўйича паст баҳоланганда;

Риск даражаси уч тоифага ажратилади:

ҳуқуқбузарлик содир этиш rischi юқори бўлган аудиторлик ташкилотлари;

ҳуқуқбузарлик содир этиш rischi ўртача бўлган аудиторлик ташкилотлари;

ҳуқуқбузарлик содир этиш rischi паст бўлган аудиторлик ташкилотлари.

Ваколатли орган томонидан риск даражаси таҳлили йил тугунгандан кейин кейинги йилнинг 1 февралига қадар амалга оширилади, бунда жисмоний ёки юридик шахслар томонидан аудиторлик ташкилотлари ёки аудитор устидан келиб тушган мурожаатлар (шикоятлар) мустасно.

Риск даражаси таҳлили бўйича ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ўрнатилган тартибда келишишади ва аудиторлик ташкилотати иши сифатини ташқи назоратдан ўтказишади.

47- модда. Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг асосий кўрсаткичлари

Аудиторлик ташкилотлари иши сифатининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

амалдаги ички назорат тизимининг мавжудлиги;

аудит, сифат назорати, умумий текшириш, турдош хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ халқаро стандартларининг ва аудиторларнинг профессионал ахлоқ Кодексига риоя қилиши;

аудиторлик ташкилотининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиши;

аудиторлик ташкилотлари халқаро тармоғи ёки ассоциациясига аъзолиги;

аудиторлик текширувини ўтказиш ва турдош хизматлар кўрсатиш бўйича услубиётининг мавжудлиги ҳамда таркиби

кўрсатилган аудиторлик хизматлари натижаларини тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирганлиги;

аудиторлик текширувини ўтказишда етарли ишчи кучи ва вақт ресурслари билан таъминланганлиги;

маълумотларни кўриб чиқиш учун дастурий таъминот ва ахборот технолгияларни қўллаши;

аудиторлик ташкилотининг адекват нарх сиёсатининг мавжудлиги;

аудиторларнинг йиллик малака оширишдан ўтганлиги;

ушуб Қонун талабларининг бузилмаганлиги;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан берилган аудиторлик ташкилотининг ишининг сифатини тасдиқлайдиган маълумот;

48- модда. Ташқи сифат назорати натижаларини эълон қилиш

Аудиторлик ташкилотлари ишининг сифати натижалари, аниқланган қоидабузарликлар бўйича қўриладиган чора-тадбирлар билан биргаликда текширув тугагандан сўнг уч иш куни ичида ваколатли орган ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг веб сайтида жойлаштирилади.

8- БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

48- модда. Халқаро ҳамкорлик

Ваколатли орган қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ваколоти доирасидаги масалаларда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

50-модда. Низоларни ҳал этиш

Аудиторлик фаолиятини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**51-модда. Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини
бузганлик учун жавобгарлик**

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.